

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.**

2013 йил «27» май

**“Молия” таълим йўналиши
МК-109 гуруҳ талабаси Самадов Сухробнинг**

**«Солиқ имтиёзлари ва уларни ривожлантириш тенденцияларини
аниқлаш йўллари (Нарпай туман ДСИ маълумотлари бўйича)»
мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Хусанов Б.

**Илмий маслаҳатчи: Бозоров О.
– СамВДСБ бўлим бошлиғи**

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Солиқ имтиёзлари ва уларни амал қилишини назарий асослари	
1.1. Солиқ имтиёзларининг моҳияти.....	10
1.2. Солиқ имтиёзларини корхоналар фаолиятини рағбатлантиришдаги аҳамияти.....	13
1.3. Солиқ имтиёзларини ташкил этишни асосий тамойиллари.....	15
II Боб. Солиқ имтиёзларини амал қилиш ҳолати, уларни баҳолаш тенденциялари ва таҳлили	
2.1. Солиқ имтиёзларини корхоналар фаолиятига таъсирини қиёсий таҳлили.....	18
2.2. Солиқдан озод этиш параметрларини ўрнатиш тартиби.....	25
2.3. Солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш тенденциялари.....	37
III Боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари	
3.1. Солиқ имтиёзларини амал қилишдаги омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	43
3.2. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсири.....	48
3.3. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш йўллари.....	52
IV БОБ. Нарпай туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	57
4.2. Нарпай туман ДСИ ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	59
4.3. Нарпай туман ДСИ ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	62
4.4. Нарпай туман ДСИда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукамаллаштириш йўллари.....	67
Хулоса.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74

Кириш

Республика раҳбарияти томонидан мамлакатизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуслари билан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг 2009-2010 йиллар давомида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан таъкидлаб ўтилганидек: «Мазкур дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратadbирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди»

Бизга маълумки, Инқирозга қарши чоралар дастуридаги тадбирлар, энг аввало, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди.

Мамлакатимиз Президенти ўз асарида таъкиллаганидек. ҳозирги кунда "...ишлаб чиқаришни модернизациялаш. техник янгилаш ва диверсификация қилиш инновацион технологияларни кенг жорий этиш - Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли ..." сифатида эътироф этиляпти. Бундай шароитда солиқ имтиёзларини худди шу йўналишларда такомиллаштириш уларни оптималлаштиришнинг муҳим замонавий йўналлиши сифатида қаралмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда солиқ имтиёзларини оптималлаштириш, энг аввало шу куннинг талабларилан келиб чиққан ҳолла ишлаб чиқаришни модернизациялаш техник янгилаш ва диверсификация қилши ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсалларига хизмат қилмоғи

керак.

Маълумки, бу вазифани илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларисиз амалга ошириб бўлмайли. Шу муносабат билан бизнинг назаримизда мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда инновация соҳалариги. энг аввало устувор ва барқарор даражада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Уларни давлат томонидан бундай қўллаб-қувватлаш эса шак-шубҳасиз, молиявий-иқтисодий методларга хусусан солиққа тортиш ва солиқ имтиёзлари тизимига асосланиши керак. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш инновацион технолопгяларни кенг жорий этишдан рағбатлантириш бевосита ва билвосита йўллар ёрдамида амалга оширилади. Юқоридаги жараёнлар теити ташкилотлар ва дастурларни молиялаштириш орқали ресурсларни ажратиш йўли билан амалга оширилса, бу тўғридан-тўғри (бевосита) рағбатлантириш дейилади. Улар тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштиришни ва бюджет субсидияларини ўз ичига олади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида амалиётда иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш иқтисодий дастаклар мажмуи ёрдамида амалга оширилиши улар таркибида солиқ имтиёзларини амал қилиши алоҳида ўрин тутлади.

Солиқ имтиёзларига ҳозирда алоҳида ўрин берилаяпти ва инқирозга қарши чоралар Дастурини самарали амалга оширишда солиқ имтиёзлари муҳим омилларидан бири сифатида қаралаяпти. «Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир»¹, деб таъкидланиши солиқ имтиёзларига

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т: «Ўзбекистон», 2011. – 6 б.

нисбатан жиддий эътибор берилаётганлигини англатади. Ушбу фикрнинг исботи сифатида, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларни келтириш мумкин². Иқтисодий дастак сифатида солиқ имтиёзларига шундай муҳим вазифа юклатилган экан, уни муваффақиятли амалга оширишнинг йўлларида бири уларни такомиллаштиришдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлардан А.Ш.Абдулгалимов, И.М.Александров, З.С.Бард, Л.Макконнелл, Н.В.Миляков, В.Незамайкин, Л.П.Павлова, В.Г.Пансков, М.В.Романовский, Б.М.Сабанти, О.Ф.Тимофеева, С.Д.Шаталов, Т.Ф.Юткиналар томонидан тадқиқ қилинган. Солиқ имтиёзлари, жумладан, алоҳида солиқ турларига тегишли бўлган солиқ имтиёзлари хусусида С.В.Барулин, Н.Н.Башкирова, Г.А.Горина, Т.В.Коновалова, Н.А.Кузьмина, А.В.Макрушин, Д.В.Маслова, В.Г.Пансков, С.П.Сазонов, А.Н.Цигичко, Д.Г.Черник, Ю.Д.Шмелев, А.П.Яркинларнинг илмий ишларида кенг ўрин берилган³.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Алимардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р. Зайналов,

² Бу ўринда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ноозик овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги қарори (2009 йил 28 январь), «иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”гифармони (2008 йил 18 ноябр) ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши Дастур» назарда тутилаяпти.

³ Барулин С.В., Макрушина в. Налоговые льготы как элемент налогообложения и инструмент налоговой политики // Финансы. – 2002. - № 2. – с. 39-42; Башкирова Н.Н. Амортизационная политика как инструмент налогового стимулирования инновационной деятельности // финансы и кредит. – 2008. - № 39. – с. 47-55; Горина Г.А. Система скидок и налоговые риски // Финансы. – 2007. - № 3. – с. 34-37; Коновалова Т.В., Кузьмина Н.А. местный бюджет и налоговые льготы // финансы и кредит. – 2005. - № 27. – с. 45-49; Маслова Д.В. Налоговый кодекс и активизация стимулирующего потенциала налога на прибыль // Финансы. – 2002. - № 3. – с. 35-37; Сазонов С.П. Монетизация льгот: региональный опыт // финансы. – 2005. - № 4. – с. 7-10; Цигичко А.Н. Стимулирование и регулирование притока иностранных инвестиций // финансы. – 2002.- № 7. – с. 21-24; Черник Д.Г., Шмелев Ю.Д. Применение налоговых льгот по налогу на доходы физических лиц // Финансы. - 2007. - № 1. – с. 33-37;

Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яхъёев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларининг маълум бир жиҳатлари солиқлар ва солиққа тортиш, жумладан, солиқ имтиёзлари муаммоларига ҳам бағишланган⁴. Солиқ имтиёзларига бағишланган масалаларнинг айримлари бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган бўлиб, ушбу масала солиқ имтиёзлари ва уларнинг бозор муносабатларини эркинлаштириш шароитида корхона иқтисодиётини тартибга солишдаги ўрни жиҳатидан кўриб чиқилган⁵. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ушбу муаммо республикамиз журналларида босилаётган қатор илмий ишларда фаол муҳокама қилина бошланди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодий адабиётларда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари чуқур тадқиқ этилмаган ва ўрганилмаган. Шунингдек, иқтисодий адабиётда «солиқ имтиёзлари» ва «солиқ имтиёзларини такомиллаштириш»га оид масалаларда кўплаб ноаниқликлар борлиги, мавжуд солиқ имтиёзларининг «ишламаётган»лиги, имтиёзлар қўлланиши солиққа тортиш жараёнларини мураккаблаштираётганлиги, уларнинг мукамал эмаслиги, таъсирчанлик даражасининг пастлиги, солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали кўзланган мақсадларга тўлиқ эришилмаётганлиги ҳолатлари қайд этилмоқда. Юқорида қайд этилган ҳолатлар битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий иши Самарқанд иқтисодиёт ва

⁴ Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – 2003. – 233 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: Fan va technologya, 2008. – 204 б.; Яхъёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: 2003. – 247 б.; Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2007. – 256 б..

⁵ Абдурахмонов Х.Т. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг бозор муносабатларини эркинлаштириш шароитида корхона иқтисодиётини тартибга солишдаги ўрни: и.ф.н. ... дис. автореферати. -Тошкент, ДЖҚА, 2004.–20 б.

сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади - иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш амалиётини таҳлил этиш асосида уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- солиқ имтиёзлари ва уларни такомиллаштиришнинг назарий масалаларини ўрганиш ва ёритиш;
- солиқ имтиёзларини ташкил этиш тамойилларини тизимлаштириш ва уларнинг солиқ имтиёзларини такомиллаштиришга таъсирини ёритиш;
- солиқ имтиёзларининг таркибига тавсиф бериш;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштириш тенденцияларига аниқлик киритишни ёритиш;
- солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўллари амалий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида Нарпай туман ДСИ солиқ тизими, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари танланган.

Тадқиқот предмети солиқ имтиёзлари ва уларни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Битирув малакавий ишида гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш амалиётининг замонавий талабларига тўлиқ жавоб бераолмаётганлиги аниқланди;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ёритилди;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф

ва амалий тавсиялар берилди.

Илмий янгилиги:

- солиқ имтиёзларининг иқтисодий моҳияти ёритилди ва “солиқ имтиёзлари” тушунчасига ойдинлик киритилди;
- солиқ имтиёзларининг таркиби тор ва кенг маънода ёритиб ўтилди, солиқ имтиёзларини кенгайтирилган тарзда тасниқлаш зарурлиги баён этилди;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштириш мезонлари аниқланди ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими келтирилди;
- мамлакатимизда солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш амалиётига баҳо берилди, мавжуд бўлган муаммолар кўрсатиб ўтилди;
- солиқ имтиёзларини такомиллаштириш зарурияти аниқланди, уларга доир таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. БМИ натижаларининг илмий аҳамияти илмий ишда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан солиқ имтиёзларини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, БМИ натижалари, таклиф ва тавсияларидан Давлат солиқ кўмитасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ипглаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ материалларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Молия ва солиқлар» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Нарпай туман ДСИ (далолатнома № 8/2-10, 24 апрель 2013 йил) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. БМИ материалларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида (маълумотнома № 4, 10 февраль 2012 йил) «Солиқлар ва солиққа тортиш» ва «Молия ва солиқлар» фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг асосий мазмуни ва натижалари

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-амалий семинарида (2013 йил 10 май) илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. БМИ мазмуни ва асосий ғоялари 1 та тезисда ва хўжалик шартномасида ўз аксини топган.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот матни 70 бетдан иборат бўлиб, 8 та жадвал, 1 та диаграмма ва 3 та чизмани ўз ичига олади.

I БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Солиқ имтиёзларининг моҳияти

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини аниқлашда унга хос бўлган белгилар муҳим ўрин тутлади. Бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларига хос бўлган мажбурий характерли белгиларнинг биринчиси, солиқ имтиёзлари ўрнатилиши қонунийлигидир. Ҳақиқатан ҳам, солиқ имтиёзлари, одатда, Солиқ кодекси, тегишли қонунлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ўрнатилиши мумкин. Бироқ бу жараён Ўзбекистон учун ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Унга кўра, бизнинг мамлакатимизда солиқ имтиёзлари, юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида ҳам ўрнатилади. Назаримизда, жаҳон амалиётидагидан фарқли ўлароқ бундай тартибнинг мамлакатимизда жорий этилганлигини ижобий ҳолат, солиқлар ва солиққа тортиш назарияси ва амалиётига қўшилган муносиб ҳисса сифатида эътироф этмоқ лозим. Чунки бундай қўшимчанинг жорий этилиши солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ва ҳаракати механизмини жонлантиради, ижтимоий ҳаётнинг ва иқтисодий жараёнларнинг ўзгарувчанлиги билан характерланадиган ҳозирги шароитда уларни оператив равишда қўллаш имконини беради.

Солиқ имтиёзлари ўрнатилишининг индивидуал характерга эга бўлмаслиги солиқ имтиёзларига хос бўлган мажбурий характерли белгиларнинг иккинчисидир. Унга кўра, солиқ имтиёзларининг қўлланиш шартлари, тартиби ва асосларини аниқлаб берувчи қонунчилик меъёрлари индивидуал характерга эга бўлмаслиги керак. Ўрни келганда шуни қайд этиб ўтиш керакки, солиқ имтиёзларига тегишли бўлган бундай мажбурий характерли белгининг ўз вақтида ҳисобга олиниши солиқ имтиёзларини оптималлаштириш муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ имтиёзларига тегишли бўлган мажбурий характерли белгиларининг учинчиси, солиқ имтиёзлари ўрнатилишиниш дискриминацион характерда бўлмаслиги ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, мулкчилик шакллари, жисмоний шахсларнинг фуқаролиги ва капиталнинг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда солиқ имтиёзларининг ўрнатилишига йўл қўймаслик кераклигини ашлатади.

Солиқ имтиёзлари қўлланилишишиш ихтиёрийлиги солиқ имтиёзларша хос бўлган характерли мажбурий белгиларнинг тўртинчиси бўлиши мумкин. Ўша мувофиқ ўрнатилган солиқ имтиёздан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласида солиқ тўловчига эркин танлаш имконияти берилади. Солиқ имтиёздан фойдаланиш солиқ тўловчининг мажбурияти эмас, балки унинг ҳуқуқи эканлиги бу белгининг ўга муҳим жиҳатидир.

Солиқ имтиёзларша тегишли бўлган мажбурий, характерли белгиларининг бешинчиси, солиқ имтиёзларини қўллаш муддатлариниш мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, солиқларга оид қонунчилик ҳужжатларида солиқ тўловчи учун солиқимтиёздан фойдаланиш муддати белгиланмаслиги лозим. Шундай бўлишига қарамасдан, баъзи бир объектив сабабларга кўра, мамлакатимиз солиқ қонунчилигида ва бонгқа ҳужжатларда солиқ имтиёзлари қўлланилишининг муддатлилиги ҳамон сақланиб келаяпти. Ҳолбуки, жаҳон амалиётининг кўрсатишича, замонавий солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини муддатли ўрнатиш амалиётидан мақсадли равишда воз кечилмоқда.

Солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали солиқ устунлик (қулайлик) ларини яратиш, солиқ имтиёзларига хос бўлган мажбурий характерли белгиларнинг олтинчиси дир. Ана шу белги солиқ имтиёзларининг моҳияти ва таркибини аниқлашда энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Мазкур белги асосида ҳақиқатдаги солиқ имтиёзларининг таркиби, уларнинг қонунчиликда ўрнатилган таркибидан анча кенг бўлиши мумкин.

Солиқ имтиёзларша хос бўлган мажбурий, характерли белгиларнинг, янада тушунарли бўлиши учун чизма тарзида ҳам кўрсатилиши мақсадга

мувофиқ (1-чизма).



1-чизма. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи мажбурий характердаги белгилар

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларга суянган ҳолда, бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларининг моҳиятини ифодалаш учун унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали фаолият кўрсатишлари учун уларни рағбатлантириш мақсадида, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун мажус қонуний ўрнатилиши, индивидуал ва дискриминацион трактерда бўлмаслиги, қўлланшишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ устунлик (қулайлик)ларини яратиш тарзида берилиб, солиқ мажбуриятларини камайтирувчи енгилликларга солиқ имтиёзлари дейилади.

Назаримизда, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва солиқ имтиёзларининг моҳиягини янада кенгроқ ва тўлароқ шаклда очиб беришга хизмат қилувчи юқоридаги таърифнинг мавжуд таърифлардан принципиал фарқлари қуйидагилар билан белгиланади: а) моҳиятни ифодаловчи таъриф бериш қоидаларша қатъий риоя этилганлиги; б) мақсаднинг аниқлиги; в) характерли белгиларнинг тўлиқ акс этганлиги; г) "имтиёз" сўзининг асл (ўз

ўрнидаги) маъносидан келиб чиқилганлиги.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларининг моҳиятини унинг характерли белгиларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилиш солиқ имтиёзларини оптималлаштириш масаласини оқилона ҳал этиш томон қўйилган навбатдаги қадамдир.

1.2. Солиқ имтиёзларини корхоналар фаолиятини рағбатлантиришдаги аҳамияти

Солиқ имтиёзларини ташкил этиш муаммосини уларнинг таркиби ва таснифлашсиз оқилона тарзда ҳал этиб бўлмайди. Бизнингча, солиқ имтиёзлари таркибини тор маънода эмас, балки кенг маънода талқин қилиш, ундаги барча имтиёзларнинг амалда намоён бўлишига тўлиқроқ мос келади. Солиқ имтиёзлари таркибини шундай ҳолатда тушуниш уларни такомиллаштириш, мавжудлигидан солиқ тушумларидан йўқотмаларни баҳолаш, яъни, солиқ имтиёзларининг баҳоси давлатга қанчага тушганлигини аниқлаш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқ.

Солиқ имтиёзларини таснифлашда дастлаб уларни классификацияланиш белгиларини аниқлаш лозим. Фикримизча, бундай белгилар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) солиқ имтиёзларини тақдим этиш шакли; б) солиққа тортиш элементларига боғлиқлик даражаси; в) солиқ имтиёзларини тақдим этиш субъектларига қараб; г) солиқ имтиёзларини бошқариш даражасининг тегишлигига кўра.

2-чизмадан кўринишича, солиқ имтиёзларини таснифлаш уларнинг ниҳоятда хилма-хиллигини аниқлаш имконини беради.

Амалдаги тартибга мувофиқ тақдим этилган ва қўлланилиши лозим бўлган солиқ имтиёзлари даставвал оптимал бўлмоғи лозим. Солиқ имтиёзларининг мақсади ва уларнинг олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши айнан шу жиҳатларга боғлиқ бўлади.



2-чизма. Солиқ имтиёзларининг классификацияси⁶

⁶ Тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Солиқ имтиёзлари оптимал тарзда тақдим этилган бўлса, бошқа шарт-шароитлар тенг бўлган тақдирда, уларни қўллаш натижасида кўзланган мақсадларга эришилади ва белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилади.

Солиқ имтиёзларининг мукамаллигига уларни такомиллаштириш жараёнида эришилади. Яъни, «солиқ имтиёзларининг мукамаллиги» ёки «солиқ имтиёзларини такомиллаштириш» имтиёз олувчи (солиқ тўловчи) ва имтиёз берувчи (давлат, давлат бюджети, солиқни ундирувчи)ларнинг манфаатларига зид келмаслиги керак. Энг аввало, ана шу мувозанатнинг таъминланишига эришилмас экан, «солиқ имтиёзларининг мукамаллиги» ёки «солиқ имтиёзларини такомиллаштириш» хусусида гапириш ўзининг маъносига эга бўлмайди.

1.3. Солиқ имтиёзларини ташкил этишни асосий тамойиллари

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига катта аҳамият берилди. Жумладан, мазкур йўналишда қуйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

* Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли чоралар кўриш;

* Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлигини қайта кўриб чиқиш;

* Тадиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни камйтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўтган 2009 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида малакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини

соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қўшимча чоралар, хўжалик субъектларига кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сонли қарори билан:

* жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхона-ларни таъсис этишдан олинган дивиденд тарзидаги даромадлари ҳамда юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари 5 йил муддатга солиққа тортишдан озод этилди;

* хўжалик юритувчи субъектларга, истисно тариқасида, 2009-2010 йилларда амортизация ажратмаларини белгиланган нормалардан паст бўлган миқдорларда ҳисоблаш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг жаҳон нархлари таннархидан ҳам тушиб кетган ҳолларда эса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, амортизация ажратмаларини 6 ой муддатга тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди;

* ўзлари ишлаб чиқарган товарларни таннархдан паст нархда эркин алмаштириладиган валтага экспорт қиладиган корхоналар учун, солиққа тортиш мақсадида сотишдан тушадиган тушум миқдори экспорт товарлари сотилган ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши тартиби амалга киритилди;

* экспортга юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида валюта маблағлари тушмаганлиги туфайли ҳисобланадиган жарималар муддати келгусида тўлиқ валюта тушумининг таъминланиши шарти билан 2009 йилда 30 кундан 60 кунга узайтирилди;

* 2009 йил 1 январдан бош-лаб, жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг қуйи ставкаси 13 фоиздан 12 фоизгача, ўрта ставкаси 18 фоиздан 17 фоизгача ва юқори ставкаси 25 фоиздан 22 фоизгача туширилди;

* саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиз қилиб белгиланди;

* тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга 2009 йил учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2008 йилга нисбатан ўртача 1,3 маротабага пасайтирилди;

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги ПФ-3267-сон фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари учун 2012 йил 1 январгача бўлган даврга узайтирилди;

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошисида белгиланган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарорида белгиланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Маълумки, 2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлар чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

II БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ АМАЛ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

2.1. Солиқ имтиёзларини корхоналар фаолиятига таъсирини қиёсий таҳлили

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларининг амалдаги тақдим этилиш ҳолати ўрганилган. Фикримизча, мамлакатимизда солиқ имтиёзларининг амалдаги тақдим этилиш ҳолатини баҳолашда, аввало, қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим: а) солиқ қонунчилиги; б) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг солиқлар ва солиқ имтиёзларига дахлдор бўлган қисмлари; в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг солиқлар ва солиқ имтиёзларига тегишли бандлари; г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тегишли йўриқномалари; д) солиқлар ва солиқ имтиёзларига алоқадор бўлган бошқа ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар.

Алоҳида олинган мамлакат миқёсида солиқ имтиёзларининг тақдим этилиш ҳолатига баҳо беришда, ушбу мамлакатнинг тегишли солиқ қонунчилиги, яъни, Солиқ кодекси асос сифатида хизмат қилиши керак.

Солиқ муносабатлари рисоладагидек ривожланган илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари ҳам шундан далолат берапти. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси» асосида тақдим этилган солиқ имтиёзларининг таҳлили қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин: а) «Солиқ кодекси»да кўзда тутилган ҳар бир солиқ турлари бўйича;

б) умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларга кўра;

в) бюджет амалиётида солиқларнинг алоҳида гуруҳларга бириктирилишига қараб.

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш унинг бевосита амалий

характерга эга эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, таҳлил жараёнини бюджет амалиётида солиқларнинг гуруҳларга ажратилишига қараб амалга ошириш лозим. Маълумки, бюджет амалиётида солиқлар, асосан, қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган: а) тўғри (бевосита) солиқлар; б) эгри (билвосита) солиқлар; в) ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда солиқ имтиёзларининг амалдаги тақдим этилиш ҳолати 1-жадвал маълумотлари билан характерланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида бюджет амалиётидаги гуруҳланиш бўйича солиқ имтиёзларининг тақдим этилиш ҳолати⁷

т/р	Солиқ имтиёзларининг турлари	Солиқ имтиёзлари	
		сони, та	улуши, % да
1.	Тўғри солиқлар бўйича жами имтиёзлар	73	30,8
2.	Эгри солиқлар бўйича жами имтиёзлар	83	35,0
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича жами имтиёзлар	81	34,2
	«Солиқ кодекси»га асосан берилган барча имтиёзлар	237	100,0

Сон жиҳатдан олиб қаралганда, 1-жадвал маълумотлари бюджет амалиётида солиқларнинг гуруҳланиши бўйича имтиёзлар тақдим этилиши кескин фарқ қилувчи даражада фарқланмаслигини кўрсатапти. Шу, айниқса, эгри солиқлар (35,0%) ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи (34,2%) бўйича берилган имтиёзларга тегишлидир. Гарчи, тўғри солиқлар бўйича тақдим этилган имтиёзларнинг улуши (30,8%) уларнинг ҳар иккаласига

⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

нисбатан биров пастроқ бўлсада, улар бир-биридан кескин фарқ қилади дейишга, бизнингча, асослар етарли эмас.

Умуман олганда, юқоридаги 1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан бир қатор хулосалар чиқариш мумкин. Бироқ, уларни етарли даражада тўлиқ асосланган хулосалар, деб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимизнинг «Солиқ кодекси»да кўзда тутилган юқоридаги солиқ имтиёзлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарорлари юзасидан берилган ва баъзи бир объектив сабабларга кўра «Солиқ кодекси»да акс этиши мумкин бўлмаган барча солиқ имтиёзлари ҳам тадқиқот жараёнига жалб қилиниши керак. Чунки, кейинги йилларда «... имтиёзлардан фойдаланувчи субъектларнинг 33,5 фоизи Солиқ кодекси билан белгиланган ва 66,5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда алоҳида ҳукумат қарорлари билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб келмоқдалар»⁸. Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда, солиқ имтиёзларининг умумий тақдим этилиши масаласида 2-жадвалда келтирилган маълумотлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларининг умумий тақдим этилиши ҳолати⁹

(% ҳисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1.	Берилган жами солиқ имтиёзлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:							

⁸ Боймуротов С. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. – 2007. - № 8 (14). – 24 б.

⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг тезкор маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

1.1.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ берилган солиқ имтиёзлари	68,8	62,1	63,0	78,7	74,8	73,2	71,9
1.2.	Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида берилган имтиёзлар	31,2	37,9	37,0	21,3	25,2	26,8	28,1

2-жадвал маълумотлари мамлакатимизда солиқ имтиёзларининг умумий тақдим этилиш масаласида «Солиқ кодекси»да кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини кўрсатапти. Солиқ тўловчиларга тақдим этилган жами солиқ имтиёзлари таркибида уларнинг салмоғи охириги беш йил ичида 68,8%дан 74,8%гача ўсган. Бир вақтнинг ўзида, мамлакатимиз Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари жами солиқ имтиёзларга нисбатан 31,2%дан 25,2%гача камайган.

Солиқ имтиёзларидан амалда қандай фойдаланилаётганлиги ва бунинг натижасида солиқ имтиёзлари сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида қанча миқдордаги молиявий маблағлар қолдирилаётганлигига 3-жадвал маълумотлари орқали аниқлик киритамиз.

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларидан амалда фойдаланиш ҳолати¹⁰

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар													
		2006		2007		2008		2009		2010		2011		2012	
		млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда (даромад) солиғи бўйича имтиёзлар	96,8	7,7	120,9	7,7	107,5	5,1	172,9	7,4	181,9	7,4	200,9	7,4		
2.	Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчи микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар	17,5	1,4	21,9	1,4	37,1	1,8	51,5	2,2	54,4	2,2	68,9	2,5		
3.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар	4,6	0,4	5,8	0,4	10,9	0,5	11,6	0,5	12,6	0,5	12,9	0,5		
4.	Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар	769,1	63,4	995,2	63,4	1525,6	72,9	1678,2	72,2	1780,9	72,4	1972,5	73		
5.	акцизлар бўйича имтиёзлар	200,8	16	250,9	16	172,5	8,3	143,4	6,2	150,5	6,1	164,8	6,1		
6.	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар	78,5	6,3	98,2	6,3	146,0	7,0	168,9	7,3	176,4	7,2	174,5	6,5		
7.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар	40,5	3,2	50,7	3,2	64,4	3,0	67,3	2,9	71,4	2,9	75,4	2,8		
8.	ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар	20,5	1,6	25,6	1,6	14,2	0,7	13,7	0,6	15,6	0,6	16,4	0,6		
9.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар	-	-	-	-	0,01	0,005	-	-	-	-	-	-		
10.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар	0,4	0,03	0,5	0,03	15,3	0,7	15,7	0,7	16,8	0,7	17,1	0,6		
	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами солиқ имтиёзлари	1255,7	100	1569,7	100	2093,5	100	2323,2	100	2460,5	100	2703,4	100		

¹⁰ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг тегишли йиллардаги тезкор маълумотлари асосида тузилган ва ҳисоб-китоб қилинган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, охириги беш йилда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш эвазига хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида, мос равишда, 794,3 млрд. сўм, 1255,7 млрд. сўм, 1569,7 млрд. сўм, 2093,5 млрд. сўм ва 2323,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар қолдирилган. Уларнинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғи (58,9%дан 72,9% гача), акцизлар (6,2%дан 17,4%гача), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (5,1%дан 8,7%гача) ва юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи (6,3%дан 8,5%гача) бўйича имтиёзларга тўғри келган. Умуман олганда, ана шу тўртта солиқ тури бўйича фойдаланилган имтиёз суммалари жами фойдаланилган солиқ имтиёзлари суммаларига нисбатан, мос равишда, 2005 йилда 93,5%ни ва 2009 йилда эса 93,1%ни ташкил этган. Қолган солиқлар бўйича фойдаланилган солиқ имтиёзлари суммалари жами фойдаланилган солиқ имтиёзлари суммаларига нисбатан бор-йўғи 6,0-7,0%ни ташкил этмоқда, холос.

Солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида уларнинг айримларига нисбатан фойдаланилган солиқ имтиёзларининг суммалари камайган ва бошқаларига нисбатан, аксинча, ортган бўлишига қарамасдан барча солиқларга тегишли бўлган умумий тенденция фойдаланилган солиқ имтиёзлари суммаларининг ортганлиги билан характерланади. Бундай тенденциянинг вужудга келганлиги солиқ тўловчиларнинг зиммасидаги солиқ юқини янада енгиллаштириш, солиққа тортиш жараёнларини янада соддалаштириш ва унификация қилиш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш борасида олиб борилаётган солиқ сиёсатидаги ижобий ўзгаришлардан бири ҳисобланади.

Нарпай тумани бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан солиқ имтиёзига эга бўлган ва имтиёз дастурига киритилган солиқ тўловчи юридик шахсларнинг 2012 йил ва 2013 йил 3 ойлик тўғрисида

МАЪЛУМОТ¹¹

Т/р	Туман ва шаҳар ДСИлар номи	2012 йиллик Имтиёз дастурига киритилган корхоналар		2013 йил 3 ойлик Имтиёз дастурига киритилган корхоналар		Фарқи	
		Сони	Суммаси (минг сўм)	Сони	Суммаси (минг сўм)	Сони	Суммаси (минг сўм)
1.	Нарпай тумани	38	135296,0	35	98489,0	-3	-36807,0
	Жами	38	135296,0	35	98489,0	-3	-36807,0

¹¹ Нарпай туман ДСИ маълумотлари бўйича тузилган.

Амалиётнинг кўрсатишича, микродаражада - алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида тараққиётга эришиш - макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қараганда янада мураккаброқ вазифадир.

Ҳа, айнан алоҳида тадбиркор, фирма, корхона, фермер хўжалиги даражасида хусусий мулкдор ва ёлланма ходимларнинг, умуман давлат ва баъзи амалдорлар, тузилмаларни назорат қилувчи маҳаллий ҳокимият органларининг манфаатлари тўқнаш келади ва диалектик зиддият ҳосил бўлади. Ушбу кўпинча, низолашувчи манфаатларнинг ижтимоий фойдали мақсадлар сари йўналишини таъминлаш, уларнинг тўқнашувини иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт манбаига айлантиришга фақат бозор ислоҳотлари ривожланиши ва чуқурлашувини жиловлаб турган омилларни бартараф қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаштириш негизидагина эришиш мумкин.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, солиқ юқини камайтириш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш бўйича Юртбошимиз қўяётган вазифаларни тадбиркорлар ва сармоядорлар ҳаминиша мамнуният ила кутиб оладилар. Бироқ, уларнинг баъзилари ушбу вазифаларни амалга ошириш амалдорлар ишбилармон кишилар билан бир қатор учрашувлар ташкил этадиган, уларнинг шикоятларини қайта-қайта тинглайдиган, аммо муаммоларнинг ўзи эса, ҳал қилинмай қолиб кетадиган навбатдаги тадбирбозликка айланиб кетмасмикин, деб хавфсирашади. Бир томондан, улар ҳақ, Лекин бундай ҳол узоқ вақт давом этиши мумкин эмас.

2.2. Солиқдан озод этиш параметрларини ўрнатиш тартиби

Солиқдан озод қилиш маълум бир параметрларнинг қонуний ўрнатилишига таянади. Тегишли имтиёздан фойдаланиш имконияти учун

солиқ тўловчи ана шу параметрларга мувофиқ келмоғи лозим. Ўрнатилган мезонлар бўйича солиқ тўловчилик мажбуриятидан озод этишга қўшилган қиймат солиғи хизмат қилиши мумкинки, унда агар ўтган уч календар ой давомида сотишдан олинган тушумларнинг жами миқдори (ҚҚСсиз) маълум бир суммадан ошмаса, ҳар қандай шахс бундай солиқни тўлаш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин.

Олиб қўйиш (чиқариш) солиқ имтиёзларининг турларидан бири бўлиб, у солиққа тортиш объектининг маълум бир қисмини солиққа тортиш остидан олиб қўйилиши (чиқарилиши)ни билдиради. Бундай олиб қўйиш (чиқариш)лар ҳар қандай солиқларда учраса ҳам, лекин уларнинг ҳаммасини имтиёз сифатида эътироф этиш мумкин эмас. Чунки, баъзи бир олиб қўйиш (чиқариш)лар солиқни ўзининг ҳаракат этиш соҳаси билан аниқланганлиги учун бундай вазиятда солиққа тортиш объекти айрим қисмларининг озод қилиниши (чиқарилиши) имтиёз ҳисобланмайди. Масалан, қимор бизнесининг якка тартибдаги тадбиркорлари ва ташкилотлари ўйини рискига асосланган тотализаторлар ва бошқаларни ташкил қилиш бўйича операциялар ҚҚСдан озод қилинишини имтиёз сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Чегирмалар имтиёзларнинг ўзига хос тури бўлиб, улар қонунда белгиланган ҳолатда пасайтирилган ёки “нол”ли солиқ ставкаларидан фойдаланишга имкон беради. Ана шундай пасайтиришлар, айрим ҳолларда эса ҳатто “нол”ли ставкалар, биринчидан, солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари учун ўрнатилади. Масалан, солиқ тўловчиларнинг тоифаларига боғлиқ равишда мол-мулк солиғи, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ, давлат божлари ва бошқалар бўйича ставкаларнинг қисман пасайтирилишига йўл қўйилади. Иккинчидан, чегирмалар, одатда, ижтимоий аҳамият касб этувчи солиққа тортиш объектларининг алоҳида элементлари (кўринишлари) бўйича ўрнатилади. Масалан, ҚҚС бўйича 10%ли пасайтирилган ставка биринчи даражали эҳтиёжга эга бўлган товарларнинг реализациясига нисбатан, ҳайвонот дунёси ва сув биоресурслари объектлари учун

Йиғимларнинг “нол”ли ставкалари эса бу объектларнинг ижтимоий мақсадлар (аҳолининг саломатлиги муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти учун хавф-хатарни бартараф этиш ва бошқалар) учун фойдаланилган ҳолатда қўлланилади.

Қайд этиш лозимки, ҳамма ҳолатда ҳам чегирма ҳисобланавермайди. ҚҚС бўйича “нол”ли ставкалар қўлланилиши унинг ана шундай эмаслигини кўрсатувчи характерли мисоллардан бири бўла олади. Бунда, агар товар (иш, хизмат)лар реализацияси дипломатик ваколатхоналар томонидан расмий равишда, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан шахсий фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, бу ҳолда “нол”ли ставкаларнинг қўлланилишини имтиёз деб эътироф этиш мумкин. Аксинча, “нол”ли ставкаларнинг экспорт қилинаётган товарлар реализациясига нисбатан қўлланилишини имтиёз, деб бўлмайди. Чунки, жаҳон амалиётида экспорт қилинаётган товарларни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ҚҚСидан “тозалаш” қабул қилинган бўлиб, ундан сўнг бу товарлар истеъмолчи-мамлакатнинг тартиби ва меъёрлари бўйича солиққа тортилиши керак.

Ва ниҳоят, юқоридаги белгига мувофиқ равишда таснифланиши лозим бўлган имтиёзларнинг охири гуруҳи солиқни тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича қонундаги ўрнатилган тартибга мувофиқ енгилликлар олишга имкон берадиган имтиёзлардан иборат. Бу ерда солиқлар тўланадиган муддатни ўзгартириш бўйича қўлга киритиладиган енгилликларнинг қуйидаги бир неча шакллари бўлиши мумкин: кечиктириш; узайтириш; солиқ кредити; инвестицион солиқ кредити; солиқ таътиллари.

“Кечиктириш” дейилганда ваколатли (компетентли) орган томонидан тегишли асослар бўлганда солиқ тўловчи томонидан қарздорлик суммаларини навбатдаги муддатда бир марта тўлашни мўлжаллаб солиқ тўлаш муддатининг кўчирилиши (кечиктирилиши) тушунилади. “Узайтириш” дейилганда эса, ваколатли (компетентли) орган томонидан тегишли асослар бўлганда солиқ тўловчи томонидан қарздорлик суммаларини босқичма-босқич узиш (қайтариш) билан солиқ тўлаш

муддатининг кўчирилиши (кечиктирилиши) назарда тутилади. Бунда солиқ суммалари маълум бир қисмларига бўлинади ва уларнинг бу қисмларига нисбатан тўлаш муддатлари алоҳида-алоҳида ўрнатилади.

Солиқ кредити тегишли асослар бўлганда солиқни тўлаш муддатининг ўзгартирилишини билдиради. Имтиёзнинг бу шакли ваколатли (компетентли) орган қарори шаклида расмийлаштирилладиган “кечиктириш” билан жуда ўхшаш бўлсада, ундан фарқли ўлароқ, солиқ тўловчи билан шартномавий асосни, кўчиришнинг имкониятли муддатларини, солиқ бўйича қарз суммани ва зарурий ҳолларда фоизларни қайтаришнинг алоҳида тартибини, бошқача – нисбатан юқорироқ фоиз ставкасини, шунингдек, кредитнинг қайтарилувчанлик характери вужудга келадиган асослар доираси фарқларини кўзда тутди.

“Инвестицион солиқ кредити” дейилганда солиқ тўловчига маълум муддат давомида ва маълум чегара доирасида кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни навбатда босқичма-босқич тўлаш билан солиқ бўйича ўзининг тўловларини камайтириш имконияти тарзидаги тегишли асослар бўлганда солиқни тўлаш муддатининг ўзгартирилиши тушунилади. Бу шаклда берилладиган имтиёз “узайтириш” билан ўхшаш, лекин ундан солиқ тўловчи билан шартномавий асосдалиги, тўловларни кўчириш муддатларининг нисбатан узунлиги, албатта, қайтарилувчан характердалиги, фоизларнинг юқорироқ даражалари билан фарқ қилади.

Тақдим этилиш асосига боғлиқ равишда “кечиктириш”, “узайтириш” ва солиқ кредити фоизсиз бўлиши ёки Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига нисбатан ҳиссали нисбатдан келиб чиққан ҳолда фоизлар ҳисобланишини ҳам кўзда тутиши мумкин. Инвестицион солиқ кредитида эса фоизлар доимо қайта молиялаштириш ставкасининг $\frac{1}{2}$ қисмидан паст ва $\frac{3}{4}$ қисмидан юқори бўлмаган даражада ҳисобланмоғи лозим. Қайтарилувчанлик (тиклаш) характери ҳолатида қуйидаги савол туғилиши, табиий. Солиқларни тўлаш муддатларининг бундай ўзгартириш шакллари имтиёз ҳисобланадими? Бизнингча, албатта, ҳисобланади. Лекин

бунинг учун тўлаш муддатларини ўзгартиришнинг турли шаклларидан фойдаланилганлиги боис фоизлар ставкалари бозордаги ставкалардан паст бўлиши ва натижада солиқ тўловчида маълум бир енгилликлар вужудга келиши керак.

Солиқ имтиёзлари бошқарилиш даражасига тегишлигига қараб таснифланганда барча имтиёзлар қуйидагиларга бўлиниши мумкин: а) умумдавлат; б) минтақавий; в) маҳаллий. Улар тегишли даражада (хокимият органлари) ёрдамида тақдим этилади. Бундай тасниф солиқларнинг худди шундай таснифланиши билан узвий боғланган. Чунки, умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий солиқлар бўйича тегишли бошқарув даражаларининг солиқ имтиёзларини ўрнатишга доир ҳуқуқлари Солиқ кодексида ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, солиқ имтиёзларини юқоридаги тартибда таснифланиш ҳар бир бошқарув даражаси учун киритиладиган (жорий этиладиган) имтиёзларни баҳолашда жуда муҳим ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарияти кенг миқёсида бозор ислоҳотларини ўтказиш, тадбиркорликни амалга оширишнинг барча шарт-шароитларини эркинлаштириш, мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш йўлидан собитлик билан бормокда. Хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар бўйича берилаётган имтиёзларнинг ўзи қанча?' Гарчи бюджетга зарар бўлсада, ҳар хил шаклда, турли усулларда тадбиркорлик тузилмалари имтиёз ва преференциялардан фойдаланишмоқда. Улар битта ёки бир неча солиқ тури ва тўловларни тўлашдан, мажбурий ажратмалар ва бадалларни давлатнинг мақсадли жамғармаларига ўтказишдан тўла ёки қисман бир неча йилга озод қилинган ва қилинмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўзланувчи бош мақсад - фаолиятини эндиgina бош-лаётган ишбилармон, тадбиркорлик ту-зилмаси оёққа туриб, қаддини ростлаб олсин, иқтисодий аҳволи ночорлашиб қолган, айланма маблағлари етишмаслигидан қийналаётган хўжалик юритувчи субъект ривожланиш ўзанига тушиб олсин! Буларнинг самарасини эса ҳар куни, ҳар қадамда

кўриб-сезиб турибмиз.

Яхшиси, рақамларга мурожаат этайлик. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда қўлланилган жами имтиёзлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,6 фоизга ортган. Мазкур солиқ имтиёзларининг 35,9 фоизи Солиқ кодексига, қолгани Ҳукумат қарорларига асосан татбиқ қилинган. Солиқ турлари бўйича имтиёзларнинг 71,9 фоизи ҚКСга 13,6 фоизи мол-мулк солиғига, 5,2 фоизи даромад (фойда) солиғига, 0,5 фоизи ер солиғига, 8,8 фоизи эса, бошқа солиқ турларига тўғри келади.

Солиқ органлари зиммасига солиқ тўловчиларга қўлланилаётган солиқ имтиёзларини таҳлил этиш, уларни амалдаги қонунчилик асосида қўллаш усгидан доимий назорат олиб бориш вазифаси юклатилган. Бу борадаги ишларнинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Ҳайъати йиғилишларида бир неча марта мавзули муҳокама этилгани унинг нақадар жиддий масала эканлигидан далолатдир.

Ютуқлар ўзимизники. Ҳеч ким тортиб ололмайди. Аммо хотиржамликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, мазкур жабҳада ҳам камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланаяпти. Улар асосан нималардан иборат?

Маълумки, солиқ тўловчилар ўзлари рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясига имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи тегишли маълумотлар ва ҳисоботларни тақдим этадилар. Ҳужжатларнинг тўғрилиги ва асослигини ўрганиш, текшириб кўриш солиқ идораси учун ҳам фарз, ҳам қарз! Лекин, афсуски, айрим маҳаллий ДСИлар бу оддий, исбот талаб этмайдиган оддий ҳақиқатни унутиб қўймоқдалар.

Шунингдек, баъзи ҳолларда солиқ тўловчиларга Ҳукуматнинг апоҳида қарорлари билан берилган имтиёзларни қўллаш учун аниқ талаблар, яъни имтиёзлардан фойдаланиш учун солиқ ҳисоботлари билан бирга тасдиқловчи ҳужжатларни қатъий равишда тақдим этиш белгиланган. Бироқ, уларнинг бажарилиши баъзи қуйи солиқ органлари томонидан таъминланмасдан келмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сон

карорига мувофиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар билан амалга оширган товар айланмасидан олинган ялпи даромадларидан ўрнатилган ставканинг 20 фоизига камайтирилган ставкада солиқ тўлашлари лозим. Лекин шу имтиёзни қўллаш учун пластик карточка асосида товар айланмаси амалга оширилганлиги ҳақида банкнинг тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиш керак.

Биз юқорида «билиб туриб ўзни билмасликка солиш» иборасини ишлатганимиз кимларнингдир ҳамиятига теккандир? Начора! Устозлар ўргатишган: бирон ташкилот ёки шахс ҳақида салбий фикр айтмоқчи бўлсанг, қўйнингдаги тошларнинг ҳаммасини отма, бир қисмини захирага олиб қўй. Керак бўлиб қолиши мумкин. Мана, ўша «тошлардан» биттаси. Бухородаги «Апогей плюс» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (у 2000 йил 25 майда қабул қилинган) 16-моддасини рўқач қилган ҳолда имтиёзли солиқ ставкасини нотўғри қўллаб, ягона солиқ бўйича 2003 йил учун 2,8 миллион сўм ва 2004 йил учун 1,9 миллион сўмни, жамми 4,7 миллион сўмни бюджетдан «яшириб» қолган. Шаҳар ДСИси ўтказган текширишда эса, корхонада солиқларни ҳисоблаш бўйича хато-камчиликларга йўл қўйилмаганлиги (наҳотки сезишмаган, ишониш қийин!) ҳақида хулоса берилган.

Халқимиз орасида «ишон, аммо текширишни унутма» деган ажойиб ҳикмат юради. Демак, энг аввало, амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, юридик шахсларнинг айрим тоифаларига солиқ тўлашдан берилган имтиёзлардан фойдаланилиши устидан назоратни янада кучайтириш талаб қилинаяпти. Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятлари давлат солиқ органларида аниқланган камчиликлар сингари нуқсонларнинг олдини олиш ҳамда такрорланмаслигини таъминлаш, шу мақсадда берилган солиқ имтиёзларининг асосланганлиги тўғри қўлланилиши юзасидан инвентаризация ўтказиш - ҳар бир ДСБ ва ДСИнинг бурчи.

«Солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш» дастурий маҳсулини

такомиллаштириш ҳамда автоматлаштирилган тартибда конун ҳужжатлари, вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлар миқёсида имтиёзлар ҳисобини юритувчи дастурий маҳсулни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Биз, таҳлил қилган инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бўлган «Кельберг-Осиё Электродлар» томонидан амалга оширилган. Лойиҳани амалга оширишдан кўзланган мақсад - электродлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш учун янги техника ва технологияларни сотиб олиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади. Ушбу инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси давлат акциядорлик-тижорат Асакабанк томонидан кредитланган.

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, шартноманинг умумий қиймати 449900 АҚШ долларини ташкил этади. Унинг асосий қисми ускуналарни сотиб олишга йўналтирилади. Чунки, лойиҳани амалга оширишдан кўзланган мақсад бўлиб, янги техника ва технологияларни харид қилиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, қўшма корхона ўз маблағлари ҳисобидан айланма капитални шакллантириш харажатларини молиялаштиради. Корхона ўз айланма маблағлари четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида Асакабанкнинг кредитдан фойдаланишни мақсад қилган. Бунда асосий эътибор кредитнинг фоиз ставкасига қаратилиши лозим. Чунки, фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик паст бўлади.

Инвестиция лойиҳаси бир йилда 5232 тонна электрод ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу қувват технологик ускуналарнинг қуввати билан белгиланади.

Тўлиқ инвестицион харажатлар¹²

Харажатлар тури	Хорижий валютада (АҚШ доллари)	1 ой	2 ой	3 ой
Шартнома суммаси	449 900	-	-	-
Шундан:		-	-	-
Ускуналар учун тўлов	438 900	-	-	-
Ускуналарни етказиб бериш		-	438 900	-
Монтаж	5 000	-	-	-
Ўрнатиш	1 000	-	-	-
Кадрларни ўқитиш	1 000	-	-	-
Тайёргарлик ишлари	500	-	-	-
Суғурта ва транспорт харажатлари	3 500	-	-	-
Синов даври		-	-	-
Хом-ашёларни сотиб олиш	377 476	-	-	-
Бошқалар		-	-	-

Сотиб олинаётган ускуналарнинг умумий қиймати 438900 АҚШ доллари бўлиб, улардан 20900 доллари технологик линиялар ва ускуналар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга мўлжалланган. Ишлаб чиқаришнинг нормал режим ва узлуксизлигини таъминлаш учун қуйидагилар талаб этилади: тўғри кесимли станоклар (2 дона керак ва уларнинг ҳар бири 1333 доллар туради); уч тоннелли печь (1 дона керак ва у 8168 доллар туради); электродларнинг тагида турадиган тележкалар (40 дона керак ва уларнинг

¹² Асака банк маълумотлари асосида ҳисобланган

хар бири 3 доллар туради); электродлар учун рамкалар (106 дона керак ва уларнинг хар бири 0,4 доллар туради); кюбель, бункерлар, тарозили тележка.

6-жадвал

Иш ҳақи харажатлари

Маъмурият ва ишлаб	Маҳаллий		Хорижий	
	Сони	Йиллик суммаси	Сони	Йиллик суммаси
Бошқарув	4 киши	29335	Йўқ	
Техник ўрнатувчилар	2 киши	1436	Йўқ	
Малакали ишчилар	14 киши	7832	Йўқ	
Малакасиз ишчилар	12 киши	3916	Йўқ	
Жами	32 киши	42519	-	

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, иш ҳақи харажатларининг асосий қисми бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўладиган ишчилар ва техник ходимларнинг ҳиссасига тўғри келади. Лекин, шу билан бирга, малакасиз ишчилар сони нисбатан кўп эканлигини ҳам кузатиш мумкин. 6 йил мобайнида электродларни сотиш ҳажми ва баҳосининг барқарор бўлиши режалаштирилган. Аммо, бу ерда электродларга бўлган талабнинг ўзгаришини уларнинг баҳосига таъсири ўрганилмаганлиги кўриниб турибди. Бу эса, кейинчалик электродларни сотишдан олинган тушум миқдорининг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаси учун олинган кредитнинг муддати 5,5 йил. Биринчи йили имтиёзли давр учун ажратилган. Кредит учун ҳисобланган фоизлар хар олти ойда тўланади. Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси - 11%. 0 йил деганда, инвестиция даври тушунилади ва у кредит берилгандан кейинги дастлабки 6 ойни ташкил этади.

**Инвестиция лойиҳаси учун олинадиган кредит бўйича тўловларнинг
ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	0 йил	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил (6 ой)
Кредитнинг йил бошига қолдиғи	-	449900	449900	359920	269940	179960	89980
Кредитнинг йил охирига қолдиғи	449600	449900	359920	269940	179960	89980	-
Кредитнинг асосий қарз суммаси бўйича тўловлар	0	-	89980	89980	89980	89980	89980
Кредитнинг фоизи бўйича тўловлар	0	49489	49489	39591	29693	19796	4950

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, кредит бўйича фоиз тўловлари аннуитет шаклида тўланади, аммо, кредитнинг асосий қарз суммаси камайиб боровчи қолдиқ усулида тўланмоқда. Бу эса, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга ошираётган қўшма корхонанинг кредит тўлови билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдорини камайтириш имконини беради. Шу сабабли, инвестиция лойиҳасини комплекс экспертиза қилишда кредит бўйича тўловларнинг қай усулда тўланаётганлигига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Электрод ишлаб чиқариш учун баҳоси нисбатан юқори бўлган хом-ашёлардан ҳам фойдаланилади. Масалан, ферромарганец, рутил ва симлар баҳоси юқори бўлган хом-ашё турлари ҳисобланади. Бу эса, уларнинг баҳосини ўзгаришини прогнозлаш заруриятини юзага келтиради. 1 тонна маҳсулотга кетадиган хом-ашёнинг харажатини аниқлашда электродларни ишлаб чиқариш жараёнида юз берадиган йўқотишларни аниқлаш лозим. Чунки, печда қиздираётган вақтда ишлатиладиган суюқликнинг буғланиши юз беради ва бунинг натижасида тайёр маҳсулотнинг оғирлиги камаяди. Электрод ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё ички бозордан миллий валютамиз-сўмга сотиб олинади. Мармар, известият, шпат, тальк фақат тозаланган ва майдаланган ҳолда сотиб олинади. Чунки, қўшма корхонада уларни майдалаш, элаш ва тозалаш учун техник имкониятлар мавжуд эмас.

6-жадвал маълумотларидан кўринадикки, қўшма корхонанинг ушбу инвестиция лойиҳаси бўйича харажатлари таркибида асосий ўринни хом-ашё харажатлари эгаллайди. Масалан, биринчи йилда ушбу турдаги харажатларнинг жами харажатлардаги салмоғи 79,9 фоизни ташкил этди.

Аммо хом-ашё, иш ҳақи ва электр энергияси харажатларининг ўзгариши инобатга олинмаган. Ҳолбуки, мазкур харажатларнинг турларини олдинги даврларда йил давомида бир неча бор ўзгариши кузатилган. Бино ижараси, амортизация харажатларини олдиндан режалаштириш мумкин. Чунки, ижара шартномасини узоқ муддатли қилиб тузиш мумкин. Аммо бунда ижара ҳақининг ўзгармаслиги ёки қанча миқдорда ўзгариши ижара шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши керак.

“Professional Print” инвестиция лойиҳаси бўйича корхона ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида полиграфия ускуналарини сотиб олиш кўзда тутилган.

АТИБ «Ипотекабанки» “Professional Print” ҚҚга 382,0 млн. сўм миқдордаги кредит маблағини 36 ой муддатга, йиллик 8% устама тўлаш шарти билан банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит ажратди. Ушбу кредит “Professional Print” инвестиция лойиҳасининг

бизнес-режасига асосан конвертация қилиш орқали полиграфия ускуналарини сотиб олиш учун 8 ойлик имтиёзли давр билан берилди.

Лойиҳанинг пул оқимлари таркибидаги соф пул оқими йиллар бўйича ўсиши кузатилди. “Professional Print” инвестиция лойиҳасининг афзаллиги янги иш ўринларини яратиши, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилиши, ички бозорнинг мазкур маҳсулотга бўлган талаби қондирилиши кабилар билан хусусиятланади.

Лойиҳа бўйича ҳисоб-китоб ишлари самарадорлик кўрсаткичларининг ижобий эканлигини кўрсатади. Лойиҳанинг қоплаш даври 48 ойни, фойданинг ички меъёри 36,5%ни, соф жорий қиймат 453258000 сўмни, инвестицияларнинг рентабеллиги 1,49 коэффициентни ташкил этди. Бундай натижа ижобий бўлиб, инвестиция лойиҳасининг самарали эканлигини акс эттиради.

Лойиҳанинг ноаниқлик жиҳатларини аниқлашда унинг зарарсизлигини таҳлил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зарарсизлик таҳлили ёки зарарсизлик нуқтаси таҳлили - бу, математик ёки график тарзда маҳсулотларни сотишдан олинган даромаднинг, яъни, уни ишлаб чиқариш учун кетган сарфларига тенг, айнан мос келгандаги аниқланган нуқтасидир. Бу таҳлилнинг асосий мақсади - маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва уни сотишдан олинган даромадлари тенг бўлган нуқтани топиш ҳисобланади. Агар сотиш ҳажми ушбу нуқтадан юқори бўлса, у ҳолда фирма ишни зарарсиз давом эттира олади. Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш фирманинг лойиҳавий қувватини, унинг эса зарар олиб келиш-келмаслигини аниқлашга имкон беради.

2.3. Солиқ имтиёзларидан оқилонга фойдаланишни такомиллаштириш тенденциялари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-

1245-сон Қарори билан ҳам имтиёз ва преференциялар белгиланган.

Жумладан, юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг 10 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 9 фоиз; иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 8 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, Уфоиз қилиб белгиланди, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 1 фоизга камайтирилди, ўртача ва энг юқори ставкалари 2009 йил даражасида сақлаб қолинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640 сон Қарорига асосан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарорида белгиланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига берилган солиқ имтиёзлари 2010 йил 1 январдан бошлаб солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги 250-сон Қарорида назарда тутилган имтиёзлар 2015 йил 1 январгача бўлган даврга узайтирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1051-сон Қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр қилиб топшириш шартларида яқка тартибда уй-жой қурилиши доирасида улар амалга оширган ишлар ҳажмлари қисмида пудрат ташкилотларига татбиқ этилиши ҳам белгиланди.

Нарпай тумани 2013 йилнинг 3 ой кўрсаткичлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ имтиёзларини кўриб чиққанимизда юридик

шахслар фойда солиғидан 3 та корхона (солиқ имтиёзи 2909,4 минг сўм), юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича 2 та корхона (солиқ имтиёзи 4423,1 минг сўм), қўшилган қиймат солиғи бўйича 1 та корхона (солиқ имтиёзи 20877,8 минг сўм) ва ягона солиқ тўлови бўйича 35 та корхона (солиқ имтиёзи 95534,1 минг сўм)ни ташкил этмоқда (1-диаграммага қаралсин). Жами 123744,4 минг сўмлик солиқ имтиёзлари берилган.

1-диаграмма

Нарпай тумани 2013 йилнинг 3 ой кўрсаткичлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ имтиёзлари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сон Қарори тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор

корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2008 йил 19 ноябрдаги ПФ-4010-сон Фармойишида берилган имтиёзлар бўйича мол-мулк солиги суммасини корхона харажатларига киритмаслик;


* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон фармонида мувофиқ, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1325-сон Қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 433-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий ётти модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 670-сон Қарорида кўзда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-4210-сон Фармони билан 2008 йил 1 апрелдаги «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3983-сон Фармонида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар

томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Хунарманд» уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди.

Нарпай тумани хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари бериш учун асос бўлган норматив ҳужжатлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-433-сонли 03.08.2006 йилда қабул қилиган “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори




Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1047-сонли 26.01.2009 йилда қабул қилиган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1051-сонли 29.01.2009 йилда қабул қилиган “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-670-сонли 12.07.2007 йилда қабул қилиган “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлар

3-чизма. Нарпай тумани хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари бериш учун асос бўлган норматив ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлук фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4232-сон

Фармонига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар, масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайди.

Шунингдек, бўш биноларни кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тарифлари, уларни қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

III БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИНИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Солиқ имтиёзларини амал қилишдаги омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари

Солиқ имтиёзлари тараққиётни таъминлашда ва моддий манфаатдорликни оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат солиқ имтиёзларини тақдим этиб, тегишли жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, уларни жадаллаштириши мумкин. Шу муносабат билан солиқ имтиёзларининг ижобий жиҳатлари иқтисодиёт тараққиётида ўз аксини топмоқда. Иқтисодий манбаларда уларнинг фақат ана шу жиҳатларига ҳал этишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти бениҳоя катта эканлиги эътироф этиб келинмоқда. Лекин кейинги пайтларда масала шу даражагача бориб етдики, ҳатто “Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш керакми?” – деган анъанавий саволлар юзага келмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирги шароитда бюджет даромадларини оширишда қандай солиқ имтиёзларини жорий этиш эмас, балки қандай объектларга солиқ тизимини жорий этиш лозим, деган савол иқтисодчи олимларнинг диққат марказидан ўрин эгаллаб келмоқда. Лекин таклифлар, фикрлар қандай бўлишидан қатъий назар ушбу масалага тааллуқли тенденциялар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш ва оқилона фикрлар чиқариш орқали солиқ имтиёзларини активлигини таъминлаш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиб қолиши лозим. Кўп имтиёз солиқ тўловига қўшимча масъулият, қўшимча иш, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этмоқда, уларга қилинган харажатлар солиқ имтиёзидан корхона ихтиёрига қолаётган маблағдан кўп бўлмоқда. Буни тушунишга ҳаракат этамиз.

Устига-устак, иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал

этиш йўлларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ва ҳ.к.лар шаклида амалга оширилаётган айрим тадбирларнинг “Таклифлар” ёки “Тавсиялар” қисмида ҳам “солиқ имтиёзларини бериш”га каттагина ўрин бериляпти.

Қайд этилганларнинг барчаси, яна бир марта, солиқ имтиёзларининг бизнинг турмуш тарзимизда қандай рол ўйнаётганлигини яққол кўрсатаёпти.

Бизнинг фикримизча, кюоридаги ҳолатларнинг вужудга келиши, энг аввало, солиқ имтиёзларини сунъий равишда идеаллаштиришга (барча муаммоларни муваффақиятли ҳал этувчи воситага айлантиришга) бориб тақалади. Ҳолбуки, солиқ имтиёзлари, баъзи бировлар ўйлаганидек, корхоналарни ҳалокат ёқасидан ушлаб қўллаб-қувватлаш эмас. Уларнинг нуқсонлари ва салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларда ҳам табиат ва жамият тараққиётининг асосий қонунларидан бири бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ўзини намоён этади. Шунинг учун солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларини кўриб, уни қўллашга ҳаракат қилаётган, унинг салбий жиҳатларидан огоҳ бўлишлари ҳам муҳимдир. Шу муносабат билан қуйида айнан шундай эканлигини жаҳон илғор тажрибаси узил-кесил тасдиқлаган ва солиқ имтиёзларига хос бўлган айрим салбий жиҳатлар хусусида тўхталамиз. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар бераётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга эришилмаган. Уларнинг самарадорлиги эса муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очиқ-ойдин ва енгил, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган;

- солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш тамойилини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади;

- солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

- имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлсада, уни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар;

- солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади;

- бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади.

Соғлом фикрлайдиган оддий бир фуқаро солиқ имтиёзларидан бундай хусусиятларини тушуниб етмайди. Шундай бўлишига қарамай, шу ўринда солиқ имтиёзларига тегишли бўлган салбий жиҳатларнинг юқоридаги кўринишлари ғойибдан пайдо бўлмаганлигини, у ёки иқтисодчининг бу муаллиф ижодининг маҳсули эмаслиги шубҳасиздир. Солиқ имтиёзларига хос бўлган салбий жиҳатларнинг айнан юқоридаги кўринишларини объектив иқтисодий ҳаёт юзага чиқарган. Уларнинг кўриб – кўрмаслик, бизнинг қандай йўлда эканлигимиздан далолат бермайди. Шунинг учун уларни рад этиб бўлмайди.

Бизнинг назаримизда, солиқ имтиёзларининг юқоридаги салбий жиҳатлари билан танишган ва ўзини иқтисодий билимга эгаман деб озгина ҳурмат қилувчи ҳар бир мулоҳазали ўқувчи уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича қуйидаги саволларни ўртага ташлаши мумкин:

- агар солиқ имтиёзларида кўзланган мақсадларга эришилмаса, унда уларни беришга эҳтиёж борми ёки йўқми? Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган бўлса, бозор иқтисодиётининг ҳақиқий талабларидан келиб чиқиб қайси вариант танланиши керак? Бу ўринда муаммони солиқ имтиёзларини бериб ҳал қилиш керакми ёки уни

молиялаштириш орқали ҳал этиш лозимми?

- солиқ имтиёзлари иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатса, булар солиқ имтиёзларини бериш ёки бермаслик масаласининг тақдирини ҳал этишда инобатга олиниши керакми ёки йўқми?

- солиқ имтиёзларига эга бўлган субъектлар ривожланишга бўлган интилиши сўнса ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракатини сақлаб қолмасалар имтиёзлар амал қилинганда эса улар ўз фаолиятини тўхтатсалар, унда солиқ имтиёзини белгилаш шартми? Буларнинг барчаси бозор иқтисодиётининг талабларига зид эмасми? Вужудга келиши мумкин бўлган бундай вазиятни қандай баҳолаш мумкин?

- имтиёзга эга бўлмаган корхоналар ҳар қандай йўл билан бўлсада, уни қўлга киритишга ҳаракат қилсалар, адолатли бўлмайди.

- ҳар қандай давлат ёки жамият ўз олдидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда, жумладан техник тараққиётнинг жадаллашувига ва коррупциянинг олдини олишга таянади. Давлатнинг қўлидаги муҳим молиявий дастаклардан бири бўлган солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира ва коррупцияга имкон яратса, у ҳолда бундай дастакдан фойдаланиш самара бермайди. Солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира, коррупцияга имкон яратса, у ҳолда солиқ имтиёзлари берилмаслиги лозим.

- бугун берилган солиқ имтиёзини эртага бекор қилишнинг иложи йўқ. Бунинг устига, бугун солиқ имтиёзини бериб, уни эртага бекор қиладиган бўлсак, унда имтиёз керакми? Бу эса берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилишнинг жуда мураккаблигини тақозо этади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, солиқ имтиёзларининг талайгина салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар кун тартибига бир қанча ҳаётий саволларни кўядики, уларнинг жавобларини ҳисобга олмасдан туриб қабул қилинган қарорлар бизни кўзланган мақсад сари илдам етаклайди. Солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларига қараб, уларнинг салбий жиҳатларини инобатга олмаслик оқибатда пухта

ўйланмаган молиявий қарорнинг қабул қилишига олиб келади.

Бизнингча, солиқ имтиёзлари таркибини тор маънода эмас, балки, кенг маънода талқин қилиш ундаги барча имтиёзлар шундай мақомга эга эмаслигига қарамасдан, бу имтиёзлар амалда намоён бўлишига тўлиқроқ мос келади. Солиқ имтиёзларининг таркибини худди шундай тушуниш уларни мақбуллаштириш мавжудлигидан солиқ тушумларидан йўқотмаларни баҳолаш, яъни солиқ имтиёзлари баҳоси давлатга қанчага тушганлигини аниқлаш нуқтаи-назаридан ҳам мақсадга мувофиқ. Аксинча, солиқ имтиёзларининг таркибини тор маънода талқин қилиш эса, бундай баҳо даражаси кескин пасайишига олиб келади. Бунинг устига, бундай ёндошув солиқ имтиёзларини тақдим этиш самарадорлигини ва уларнинг мақбул ёки мақбул эмаслигини танқидий нуқтаи-назардан таҳлил қилишга эҳтиёж қолдирмайди.

Назаримизда, солиқ имтиёзлари мақбуллаштириш нуқтаи-назаридан уларнинг таснифланишини шундай таснифланиш белгиларини аниқлашдан бошлаш керак. Фикримизча, бундай белгилар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: солиқ имтиёзларини тақдим этиш шаклини; солиққа тортиш элементларига боғлиқлик даражасини; солиқ имтиёзларини тақдим этиш субъектига қараб; солиқ имтиёзларини бошқариш даражасининг тегишлигига кўра.

Тадқиқот натижаларига кўра таснифлаш асосида солиқ имтиёзларининг ниҳоятда хилма-хиллигини аниқлаш мумкин. Хусусан, тақдим этиш шаклига биноан солиқ имтиёзларининг турларидан бири имтиёзли солиқ тартибларидир. Булар солиқ имтиёзларининг шундай кўринишларидирки, уларга кўра солиқ тўловчиларнинг ўрнатилган мезонларга, иқтисодий фаолиятнинг маълум бир турларига ёки алоҳида ҳудудий шаклланмаларига жавоб берадиган, алоҳида олинган тоифаларига солиққа тортишнинг янада қулайроқ шароитлари яратилади. Уларга махсус солиқ тартибларини, шунингдек, эркин ва махсус иқтисодий зоналар тартибларини киритиш мумкин. Солиқ қонунчилиги билан эмас, балки, қонунчиликнинг бошқа

кўринишлари билан тартибга солинишига қарамасдан бундай зоналарнинг имтиёзлари тоифасига киритилиши, назаримизда, шубҳасиз, мақсадга мувофиқ. Бироқ, махсус тартибларнинг имтиёз ёки имтиёз эмаслиги хусусида молиявий илмий адабиётларда ҳамон янги фикр шаклланмаган. Фикримизча, бундай тартиблардан фойдаланаётган субъектларда солиқ юки, маълум даражада бўлсада, пасайиши ва улардан фойдаланишнинг ихтиёрийлиги ҳисобга олинганда, бу тўлиқ уларни имтиёзлар сифатида талқин этишга асос яратади. Шундай бўлишига қарамасдан, барча тартибларни солиқ имтиёзлари қаторига киритиб бўлмайди. Чунки, улардан айримлари учун қўлланилишнинг ихтиёрийлиги белгиси мавжуд эмас.

3.2. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсири

Солиқ имтиёзларини оптималлаштириш мақсадида уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналиши – солиқ ва солиқ имтиёзи ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлашдан иборат. Мазкур алоқадорлик солиқ имтиёзини берувчи (тақдим этувчи) ва солиқ имтиёзини олувчи ўртасидаги манфаатларнинг муштараклигини назарда тутаяди, Бу ерда гап бюджет ва солиқ тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг муштараклиги хусусида кетмоқда. Ҳолбуки, амалга оширилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ҳозирги пайтда:

- солиқ имтиёзлари мавжуд бўлсада, кўзланган мақсадга эришишнинг иложи бўлмаяпти;
- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш етарли даражада эмас;
- фойдаланилаётган солиқ имтиёзлари томонлар манфаатларининг муштараклигига тўлиқ мос келмаяпти;
- солиқ имтиёзларини бериш ва улардан фойдаланиш жараёнида солиқ имтиёзларини ташкил қилиш ҳамда оптималлаштириш тамойилларига етарли даражада риоя этилмаяпти.

Бизнинг назаримизда, амалиётда қўлланилаётган солиқларнинг алоҳида турларига нисбатан берилаётган солиқ имтиёзлари борасида айрим ҳолатларга эътибор бериш ва уларга нисбатан ёндашувни бироз бўлсада ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Бу, энг аввало, турли солиқларнинг ставкаларини йилдан-йилга пасайтириш ва солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш шаклида берилаётган солиқ имтиёзларига тегишлидир. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови, жисмоний шахслардан олинadиган даромад “Солиғи ва бошқа солиқлар бўйича ставкаларни пасайтириш шаклида берилаётган солиқ имтиёзлари ана шу мақсадларга хизмат қилади. Хусусан, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ставкаси дастлабки пайтда 38 фоиз даражасида белгиланган бўлса, 2009 йилда унинг даражаси 10 фоизга тенг бўлди. Шу даврда ушбу солиқ ставкасининг даражаси, айрим ҳолларда талқин қилинаётганидек, 28 фоизга эмас, балки 380 фоизга ёки 3,8 мартага камайтирилган. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг максимал ставкаси дастлабки пайтларда 45 фоиз даражасида ўрнатилган бўлса, 2009 йилда 22 фоизни ташкил этди, яъни 2 баробардан кўпроқ даражада пасайтирилди. Жорий этилган пайтида қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 30 фоиз белгиланган бўлса. 2009 йилда 20 фоизни ташкил этди. Буларнинг барчаси ушбу солиқлар бўйича солиқ тўловчиларга (юридик ва жисмоний шахсларга) берилаётган солиқ имтиёзларининг кўринишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юқини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўтювининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши... кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди”.

Бизнинг фикримизча, бундай имтиёзлар солиқ юқини камайтиришга

Ўзининг муносиб ҳиссасини қўшада, солиқ тўловчилар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологиялар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш учун қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлсада, солиқ имтиёзларидан бундай тартиб ва шаклда фойдаланиш солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзи туфайли эга бўлинган маблағлардан фойдаланиш йўналишларида уларга нисбатан деярли ҳеч қандай мажбурият юкламайди.

Давлат солиқ имтиёзини юқоридаги шаклда тақдим этиш натижасида бўшаган маблағларнинг солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёки илмий тадқиқотларга ва’’ шунга ўхшаш бошқа илғор йўналишларга сарфланишига нисбатан ҳеч қандай кафолатга эга бўлмайди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича. Ҳатто юқори интизомли саналган солиқ тўловчилар ҳам бундай ҳолатларда солиқ ставкаларини пасайтириш ёки солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш йўли билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари натижасида озод бўлган молиявий маблағларнинг фақат 1/3 қисминигина иқтисодий тараққиёт мақсадлари учун сарфлар экан.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқлардан озод қилиш шаклида берилаётган солиқ имтиёзлари иқтисодиёт зиммасига юкланган солиқ юқини пасайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган ҳолдагина ўринлидир. Бунда ҳам давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисод қилинган маблағларнинг фақат маълум бир қисмигина (1/3 қисми атрофида) солиқ тўловчи томонидан инвестицияларга ёки инновацион ривожланишга сарф қилиши (йўналтирилиши) мумкинлигини эътироф этиш керак. Солиқлар ва солиқ имтиёзлари ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш орқали солиқ имтиёзларини оптималлаштириш, ўз навбатида, солиқлар бўйича ставкаларни камайтириш ёки солиқлардан озод қилиш ва умуман ҳар қандай солиқ преференцияларини тақдим этиш ёрдамида давлатнинг иқтисодий самарага эришишини тақозо этади. Бу ерда солиқ имтиёзлари ҳисобидан олинган қўшимча молиявий ресурслардан давлат кўзда тутган мақсадларда тўлиқ фойдаланиш учун кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор

бериш лозим.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида, Президентимизнинг бир неча Фармонлари ва қарорларида кўзда тутилган солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқлардан маълум муддатларга озод қилиш билан боғлиқ чоратadbирлар, шубҳасиз, солиқ тўловчиларнинг ихтиёрига қўшимча молиявий ресурсларни қолдириш йўли билан иқтисодиётдаги инқирозли вазиятларни юмшатишга қаратилган. Бизнингча, молиявий ресурсларнинг хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдирилиши мамлакатимиз иқтисодиётини инқирозли вазиятдан узил-кесил чиқиб кетишига тўлиқ имкон бермайди. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

« қўшимча молиявий ёрдам суммаси ортиқча баҳоланган. Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида солиққа тортиш

базаси сифатида қаралган элементлар, жумладан, фойда суммаси ҳам кескин қисқариши мумкин;

- молиявий ресурсларни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг эҳтиёжи ва доирасида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ сарфламасдан, уларнинг барчасига тарқатилишини оқилона лрб бўлмайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ривожлантириш, бизнинг фикримизга, қуйидаги икки йўналишда амалга оширилмоғи лозим:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини солиқ методлари (жумладан, солиқ ставкаларини пасайтириш ёки маълум муддатгача солиқлардан озод қилиш ва бошқалар) эмас, балки давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватланаётган тижорат банкларининг банк кредитлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда банklar томонидан олинган маблағларнинг иқтисодиёт реал секторига тўлиқ етиб боришини таъминлаш ва унинг устидан узлуксиз назоратни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш. Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантирмасдан, техника ва технологияларни янгиламасдан туриб, иқтисодий инқироздан олиб чиқишнинг иложи йўқ. Бу ерда солиқ имтиёзлари ҳал қилувчи рўшди..ўйнамоғи лозим.

Солиқлар ва солиқ имтиёзлари ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш орқали солиқ имтиёзларини оптималлаштириш жараёнида солиқ сиёсатининг йўналишини, бироз бўлсада. Ўзгартиришга жиддий эътибор бериш керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, солиқ имтиёзлари ёрдамида амалга оширилаётган солиқ сиёсати янада таъсирчан характерга эга бўлмоғи зарур. Солиқ имтиёзлари фақат иқтисодий шарт-шароит ҳозирлаш, солиқ тўловчиларга у ёки бу жараённи амалга ошириш учун имконият яратиш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни мақсадли равишда йўналтириши ва ўрни келганда эса мажбур қилиши ҳам керак, демакдир.

3.3. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш йўллари

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш учун, дастлаб, амалиётда қўлланилиб келинаётган барча солиқлар бўйича солиқ ва солиқ имтиёзи ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани уддалаш учун амалиётда қўлланилаётган солиқларнинг алоҳида турларига нисбатан берилаётган солиқ имтиёзларини қуйидаги йўналишларда ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

Турли солиқлар ставкаларини йилдан-йилга пасайтириш ва солиқлардан озод қилиш шаклида берилаётган солиқ имтиёзларига нисбатан муносабатни ўзгартириш зарур. Солиқларнинг ставкаларини пасайтириш йўли билан солиқ тўловчиларга берилаётган бундай имтиёзлар уларнинг зиммасига юкланган солиқ юкининг оғирлик даражасини камайитиришга

Ўзининг муносиб ҳиссасини кўшса-да, ушбу имтиёзга эга бўлган солиқ тўловчилар учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологиялар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш учун кўшимча молиявий ресурсларга эга бўлиш имкониятини яратсада, фикримизча, солиқ имтиёзларидан бундай тартиб ва шаклда фойдаланиш солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзи туфайли эга бўлинган маблағлардан фойдаланиш йўналишларида уларга ҳеч қандай мажбурият юкламайди.

Иқтисодиёт зиммасига юкланган солиқ юкини пасайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган ҳолдагина солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқлардан озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзлари берилиши ўринлидир.

Мақсадли солиқ имтиёзларини тақдим этиш давлатга у ёки бу мақсадлар учун берилган солиқ имтиёзлари натижасида озод бўлган молиявий ресурслардан ушбу мақсадлар учун тўлиқ фойдаланишини кафолатлайди.

Солиқлар ва солиқ имтиёзлари ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш орқали солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, ўз навбатида, солиқлар бўйича ставкаларни камайтириш ёки солиқлардан озод қилиш ва умуман, ҳар қандай солиқ преференцияларини тақдим этишдан давлатнинг кафолатланган иқтисодий самара олиниши тақозо этади. Бу ерда солиқ имтиёзлари ҳисобидан олинган кўшимча молиявий ресурслардан давлат кўзда тутган мақсадларда тўлиқ фойдаланиш учун кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Қуйидаги йўналишларда иқтисодиётни ривожлантиришни амалга оширилмоғи лозим: а) хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини солиқ методлари ҳисобидан эмас, балки ҳозирги пайтда давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватланаётган тижорат банкларининг банк кредитларини тақдим этиш ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ; б) хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш.

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш масаласини оқилона ҳал

этишга, фойда солиғи ставкасини янада камайтириш эмас, балки аксинча, бир неча пунктга кўтариш ва бир вақтнинг ўзида қўшилган қиймат солиғини, шунга мос равишда табақалаштирилган ставкалар доирасида пасайтириш лозим.

8-жадвал

1992 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда солиқ тўлови ставкаларининг ўзгариши

СОЛИҚ ТУРЛАРИ	1992-2009-йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2012 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
Кўшимча қиймат солиғи	30 фоиз	20 фоиз	1,5 баробар
Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи	45 фоиз	9 фоиз	5 баробар
Юридик шахслар учун мулк солиғи	5 фоиз	3,5 фоиз	1,4 баробар
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2 фоиз	6,0 фоиз	2,2 баробар
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	60 фоизгача	22 фоизгача	2,7 баробар
Ягона ижтимоий тўлов	40 фоиз	25 фоиз	1,6 баробар

Юртбошиниз ўзининг юқорида номи тилга олинган китобида жаҳон кризисининг мамлакатимизга таъсирининг олдини олиш бўйича ўзининг аниқ, асослашан таклифларини баён этганки, ушбу таклифларни биз бугунги кунда ҳам жаҳон кризиси таъсирига қарши кураш, ҳам мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш бўйича олдимизда турган устувор вазифалар сифатида қабул қилганимиз зарур.

Хўш, бу вазифалар нималардан иборат? Президентимиз айтганидек, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳозлаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни жорий

этиш ҳам жаҳон инқирозини бартараф этишнинг, ҳам жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир. Бунга эришиш учун эса аввало, инвестиция ва Давлат солиқ сиёсати йўналишлари тўғри белгиланиши ҳамда амалга оширилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан вилоятимиз иқтисодиётига назар солсак, нималарни кўрамиз? Аввало, шуни айтиш лозимки, вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида яхшигина ўсиш борлиги кўзга ташланади. Бу вилоят барча меҳнат аҳлининг машаққатли меҳнатлари самараси, албатта. Вилоятда ташқи савдо айланмасини, жумладан экспортга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт имкониятларини янада ошириш ва узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирлар режаси амал қиляпти.

Бу йўлда тадбиркорлик субъектларига давлатимиз катта кўмак берапти. Масалан, Республика Солиқ кодекси ҳамда ҳукумат қарорларига асосан 2008 йил давомида 13038 та хўжалик юритувчи субъектга 16,8 млрд. сўмлук имтнёлар берилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 29 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кешайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1047-сонли қарорига асосан эса ихтисослаштирилган "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компаниясининг вилоятдаги корхоналари ягона солиқ тўловидан, асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоиздан озод этилди.

Худди шундай ҳолни янгидан ташкил этилаётган микрофирма ва кичик корхоналарнинг 3 йил муддагга ягона солиқ тўловидан озод этилганликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, Давлат солиқ сиёсати 2011 йилда солиқ юкини пасайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтириш билан алоҳида аҳамият касб этиб, ўз навбатида жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирлари олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қиладн. Тадбиркор ва ишбилармонларимиз эса давлатимиз, ҳукуматимиз бераётган

имконият ва имтиёзлардан тўла фойдалана билишлари, бўшаган маблағларни тўғри йўналтириб, ишлаб чиқарнишн кенгайтиришлари, корхонасини техник қайта жиҳозлаб ёки модернизация қилиб, маҳаллийлаштириш дастурига таянган ҳолда жаҳон бозорларига дадил чиқа билишлари керак.

IV БОБ. НАРПАЙ ТУМАН ДСИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутаяди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни қўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва худудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон ХХИ асрга интиломқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва

алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Нарпай туман ДСИ ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга

қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда сојлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-талиқлар ҳамда касб касаллиқларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, кўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслиқ ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машјул бўлган ходимларга кўрсатаётган сојлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлиқ сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касаллиқларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касаллиқларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўриқларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касаллиқларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш

омиллари (шовкин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. Нарпай туман ДСИда ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман

марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Йонғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни кўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йонғинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

➤ саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

➤ Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

➤ ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

➤ корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

➤ ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал

қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;
- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказилади; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик

корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталаниб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинги асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинги матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Йонғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. Нарпай туман ДСИда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг

маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогоз

кийгишиш, шикастланган кишини захарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чикмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суюги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи

медицина ёрдамнинг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакет-лари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериял воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва саннтар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригада-ларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёк ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Битирув малакавий ишини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш мақсадида бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ўрнатилишининг қонунийлиги, индивидуал ва дискриминацион характерда бўлмаслиги, қўлланилишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ афзаллик (қулайлик)ларини яратиш тарзида берилиб, солиқ мажбуриятларини камайтирувчи енгилликларга солиқ имтиёзлари дейилади.

2. Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш устун даражада уларнинг қандай принципларга асосланиб ташкил қилинганлигига боғлиқ. Ушбу принциплар солиқ имтиёзларини такомиллаштириш принциплари сифатида ҳам эътироф этилиши мумкин.

3. Солиқ имтиёзлари таркибини аниқлаш ва уларнинг классификацияланишини амалга ошириш солиқ имтиёзларини такомиллаштириш муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

4. Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш масаласини муваффақиятли ҳал этишда уларни такомиллаштириш мезонлари ва ифодаловчи кўрсаткичлар тизими муҳим роль ўйнайди.

5. Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш муаммосини муваффақиятли ҳал этмоқ учун уларнинг амалда тақдим этилиши ва амалиётда фойдаланиш ҳолати таҳлил қилиниб, баҳо берилиши зарур.

Битирув малакавий ишида солиқ имтиёзларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** берилди:

Бунинг учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инновацион корхона томонидан олинган фойда ва ундан олинадиган солиқни камайтириш йўли билан илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишларини билвосита рағбатлантиришни мақсадга мувофиқ деб топиш зарур.

2. Солиққа тортиладиган базанинг ҳажмини аниқлашда, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш учун фойдаланилган дастгоҳларнинг тезлаштирилган амортизацияси ва шунга ўхшашлар учун уларга жалб қилинган жорий харажатларни эътиборга олиш лозим.

3. Солиқ қонунчилиги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи соҳа ташкилотлари, шунингдек, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга оширувчи корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар билан қуролланишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириши зарур. Бунинг учун уларга қўйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқи берилмоғи лозим: тезлаштирилган амортизация методини қўллаш ёки инвестицион чегирмалар танлаш.

4. Жорий йилда сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг умумий қийматидан маълум бир фоиз миқдоридан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини камайтириш ҳуқуқини бериш ҳамда махсус рағбатлантирувчи солиқ чегирмаларини жорий этишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

5. Солиқ қонунчилиги барча корхоналарни илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларидаги тадқиқотларни молиялаштиришга фаол рағбатлантириши керак. Бунга эришиш учун ана шундай ижрочилар билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш борасида шартнома тузган хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасидан олинадиган солиққа нисбатан чегирмани амалиётда қўллаш лозим. Шунингдек, ана шундай субъектлар томонидан илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларига илмий асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар берилса, уларга нисбатан берилиши лозим бўлган солиқ имтиёзлари доирасини кенгайтириш зарур.

5. Солиқ имтиёзлари ёрдамида фан соҳасини рағбатлантиришга

эришиш зарур. Бизнинг фикримизча, бунда, қуйидагиларга эътиборни каратиш муҳимдир: а) Ўзбекистон фани турли-туман манбалар ҳисобидан молиялаштирилиб, уларнинг орасида бюджет маблағлари, хўжалик шартномалари асосида келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан тўланадиган иш ҳақидан солиқ ундирилмаслиги зарур; б) хўжалик шартномаси асосида ОЎЮ маблағ кўчиришган ташкилот (корхона) кўчирилган маблағлар доирасида солиқ имтиёзига эга бўлмоғи лозим; в) фанни молиялаштиришда бюджет маблағлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда ушбу мақсад учун сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз давлат бюджети харажатларининг бор-йўғи 0,5-0,7% ини ташкил этаяпти. Шу боис ушбу харажатлар миқдорини дунё андозаларига даражасига етказиш муҳимдир.

б. Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш муаммосини ҳал этишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: а) солиқ имтиёзларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида такомиллаштириш; б) солиқ имтиёзларини солиқ ва солиқ имтиёзи ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш орқали такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: ЎзРДСҚ, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи. 2000 йил 14 январ.
4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 24 декабря 2010г. №1111-1449 «О прогноза основных макроэкономических показателей и параметрах Госбюджета Республики Узбекистан на 2011 год»
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Биржа. 2011 йил 22 январ 4-5 бетлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

- ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.
- 11.Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2011.
- 12.Бард В.С. Финансово-инвестиционный комплекс - М.: Финансы и статистика, 1998. - 418 с.
- 13.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Молия, 2010. - 328 б.
- 14.Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2011.
- 15.Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
- 16.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2008. -287б.
- 17.Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
- 18.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. -332 б.
- 19.Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. - Т.: ГФНТИ 1995. - 249 с.
- 20.Ендовинкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник - М.: КНОРУС, 2010.
- 21.Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С; академик М. Шарифхужаев таҳрири остида. Инвестиция лойихалар таҳлили: ўқув қўлланма –Т.: Шарқ, 2003. -256 б.
- 22.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2005.
- 23.Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003.

- 24.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
- 25.Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Омега М, 2010
- 26.Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Iqtisod-moliya, 2006. -296 б.
- 27.Лерментов Ю.М. Налоговая отчетность. Практические рекомендации по представлению. – М.:ООО НИО «Налог Инфо»-ООО «Статус-Кво», 2006.- 100с.
- 28.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011.
- 29.Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари. -Т.: Iqtisod- moliya, 2007. -245 б.
- 30.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 31.Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. – М.:Фонд «Правовая культура, 1995.-240с
- 32.Налоги и налогообложение: учебник пособие. В.Ф.Тарасова, Т.В.Савченко, Л.Н. Семькина. -2-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2005,-288с
- 33.Налоги и налогообложение: Учебник. Д.Г. Черник и др. -2-е изд., доп. и прераб.-М.: ИНФРА –М, 2004.-328с
- 34.Оптимизация и минимизация налогообложения: Практ. руков. (Ред. Белоусова С.В.). – М.: Вершина, 2006.-128с.
- 35.Орлова Е.Р. Иностранные инвестиции в России: учебное пособие / Е.Р. Орлова, О.М. Зарянкина. - 2–е изд., испр. и доп. - М.: Издательство «Омега», 2009. - 203 с
- 36.Оспанов М.Г. Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений. С.-П.-Госуд.университет экономики и финансов, 1997

- 37.Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С. Хазанович, А.М. Ажлуни, А.В. Моисеев. - М.: КНОРУС, 2010. - 304 с.
- 38.Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 258 б.
- 39.Қосимова Г. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув кўлланма. –Т.: Иқтисод-молия. 2007. 148 б.
- 40.Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.
- 41.Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик, муносабатларини такомиллаштириш масалалари // и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: Академия, 2003. - 29 б.
- 42.Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 43.Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
- 44.Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
- 45.Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011.
- 46.Интернет сайтлари:
- http: // www.minfin.ru
- http: // www.mf.uz
- http: // www.budget.ru
- http: // www.df.ru
- http: // www.nalog.ru
- http: // www.finansy.ru
- http: // www.finance.rambler.ru